

Абдусамад ИСКАНДАРОВ

КЎНГЛИМ ШУКРОНАСИ



Тошкент 2013

УЎК: 297.1

КБК: 86.38

87.7

Ислом

И-79

Ушбу китобда муаллифнинг ҳаж сафари хотиралари самимият билан баён этилган. Миллий истиқлолимиз туфайли эришилган улкан неъматлар, жумладан, эътиқод эркинлиги, халқимизнинг ҳаж ва умра сафарларига бориши учун республика раҳбарияти яратаётган қулайликлардан шукроналик ҳисси барқ уриб туради.


Муаллиф ҳажнинг фазилатлари ҳақидаги, ҳожиларнинг ибратлари, эзгу амал қилишнинг савоблари тўғрисидаги мулоҳазаларини чин юракдан холис ифода этган.

Кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган ушбу рисола тарбиявий жиҳатдан ҳам аҳамиятлидир.

Искандаров, Абдусамад

Кўнглим шукронаси / А. Искандаров; масъул муҳаррир Шайх Абдулазиз Мансур. – Тошкент: “Movagounnahr”, 2013. – 52 б.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 1927-рақамли тавсияси билан чоп этилди.



10 42346
081

© Абдусамад ИСКАНДАРОВ

© «Movagounnahr» нашриёти, 2013

**“Кўнглим шукронаси”
китоби ҳақида**

Абдусамад Искандаровнинг ушбу китобида миллий истиқлолимиз туфайли эришилган улкан неъматлар, жумладан, эътиқод эркинлиги, халқимизнинг ҳаж ва умра сафарларига бориши учун республика раҳбарияти яратаётган қулайликлардан шукроналик ҳисси барқ уриб туради. Китобда муаллифнинг ҳаж сафари хотиралари самимият билан баён этилган. Муаллиф ҳажнинг фазилатлари ҳақидаги, ҳожиларнинг ибратлари, эзгу амал қилишнинг савоблари тўғрисидаги мулоҳазаларини чин юракдан ихлос билан ифода этган.

Шу билан бирга, муаллиф ҳаж сафарида бирга бўлган ватандошлари ҳақида ҳам маълумотлар келтиради.

Китобнинг ўқимишли чиқиши учун тарихий воқеалардан, ҳаётий лавҳалардан, халқ мақоллари, донишмандларнинг ҳикматли сўзларидан намуналар келтириб, тегишли ўринларда фойдаланган.

Кенг ўқувчилар оммасига мўлжалланган ушбу китоб тарбиявий жиҳатдан аҳамиятли нашр бўлади.

Болта ЁРИЕВ,
*Ўзбекистон ёзувчилари уюшмаси аъзоси,
филология фанлари номзоди, доцент*

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳим

Улуғ сафар. Мадинаи мунаввара

Муҳтарам Юртбошимиз “Аллоҳ қалбимизда, юрагимизда” асарида: “Хоҳ ёш бўлсин, хоҳ кекса бўлсин, ҳар бир ўзбек нимагаки муносабат билдирмасин, албатта, уни беихтиёр Яратувчининг номи билан боғлайди. Дин бизнинг қон-қонимизга, онгу шууримизга шу қадар теран сингиб кетганки, уни ҳеч қандай куч, ҳеч қандай ташвиқот билан чиқариб бўлмайди. Аллоҳ бизнинг қалбимизда, юрагимизда. Биз муқаддас динимиз ва эътиқодимиздан ҳеч қачон воз кечмаймиз”, деб ёзганлари жуда ибратлидир.

Чиндан ҳам муқаддас Ислом динимизнинг қанчалик даражада буюк ва гўзал насиҳатлари бор. Ҳар бир сўзимизни, яхши ишларимизни “Бисмиллаҳ” айтиб бошлаймиз, яхши-ёмон кунларимизда Худога шукрона келтирамиз, тавба қиламиз. Чунки Ислом дини фақат яхшиликка даъват қилади, инсонларни тинч-тотувликка, эзгуликка чорлайди. Мустақиллик туфайли халқимиз эришган улуғ имкониятлардан бири – Исломда бешинчи фарз ҳаж амалини адо этиш, Байтуллоҳни тавоф қилиш нияти туғилди. Бошқалар қатори муборак ҳаж сафарига боришга талпинар, тайёргарлик кўрардим.

Ниҳоят, 2011 йил 13 май куни Жарқўрғон тумани ҳокимиятига чақиришиб, «Сизнинг ҳаж сафа-

рига бориш тўғрисида берган аризангиз ижобий ҳал этилди ва ҳажга тайёргарлик кўринг» дейишди. Бу сўзларни эшитишни неча йиллар интиқ бўлиб кутиб яшаган эдим. Қалбим ҳаяжонга тўлди, кўзларим ёшланди. «Ё Аллоҳ, мендай бир бандайи мўминга илтифот кўрсатганингга шукр», деб дуолар қилдим.

Авалло, бу Имом Бухорий, Имом Термизий каби Ислоннинг буюк намояндалари яшаб ўтган юртдан ҳаж сафарига кетаётганимдан бир олам кувончларга тўлдим. Бундай неъматларни берган Аллоҳдан ва қулайликлар ҳозирлаган давлатимиздан миннатдор бўлдим. Бу хушхабарни эшитганимдан кейин ҳаж сафарига боришга тайёргарлик кўра бошладим. Ўзбекистон тупроғида ётган Ислон оламининг таниқли ҳадисшунос олимлари Термизийлар ва бошқа азиз-авлиёлар қабрларини зиёрат қилиб, уларнинг руҳларига Қуръон тиловат қилдим. Зиёратда раҳбарларимиз – Сурхондарё вилояти соқлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи, тиббиёт фанлари доктори, профессор Т. Арзиқулов ва унинг муовинлари А. Қўчқоров, М. Сатторов ва Х. Дўстовларни учратдим. Улар менинг ҳаж сафарига чиқаётганимни эшитиб, хурсанд бўлишди ва ҳақимга дуолар қилишди. С. Каримов, С. Раҳимов ва бошқа ҳамкасбларимдан, даволанаётган беморлардан ҳам дуолар олдим.

Ваҳий инган муборак юртга ҳаж ибодати арконларини бажариш учун 2011 йил 20 октябрда Термиз-Мадина йўналишида «Боинг» самолёти билан Мадинаи мунаввара (қадимги номи Ясриб) шаҳрига учдик. Бу шаҳарда Ислон мустақил дин

сифатида шаклланди. Мадинада Муҳаммад пайғамбаримизнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) равзалари ва қабрлари бор. Мадина катта зиёратгоҳ шаҳардир. Мадинада ҳожилар учун тайёрланган меҳмонхонага жойлашдик. Ҳаммамизга исм-шарифимиз, меҳмонхона манзиллари ёзилган махсус белгилар берилди. Меҳмонхонамиз Масжидун Набийга яқин жойда экан. Ерда оқ мрамор тошлар тўшалгани боис меҳмонхонадан масжид миноралари, чироқлари ярқираб кўришиб тураркан. Тўққизинчи қаватдан минглаб зиёратчиларни, ярқираб турган саҳнлар, минораларни кўриб ҳайратландик. Самолётда чарчаган бўлсак-да, бизда Пайғамбаримизнинг (алайҳиссалом) масжидларига бориш иштиёқи ортаверди. Ҳадиси шарифда “Зиёрат нияти билан уч масжидга борса бўлади: Масжидул Ҳаромга, Масжидул Ақсога ва менинг мана шу масжидимга”, дейилган. Яна; “Менинг масжидимда ўқилган бир намоз, бошқасидаги минг намоздан яхшидир, фақат Масжидул Ҳаромгина бундан мустасно”, деб марҳамат қилинган.

Бизга Аллоҳ таоло жума намозини ана шу масжидда минг-минг мусулмонлар билан бирга ўқишни насиб этди. Сўнг Пайғамбаримизга салавот ва саломлар айтиб, равзаларини зиёрат қилдик. У зот: “Уйим билан минбарим ўртасида жаннат боғларидан бир боғ бор”, деб марҳамат қилганлар. Равзада ҳам икки ракат намоз ўқидик.

Мадинадаги Масжидун Набийга намоз ўқиш учун кирганимда дунёнинг турли бурчакларидан зиёратга келганлар – оқ, қора, сариқ, қизил танли, одамлар ирқи, миллати, тили фарқ қилса ҳам,





ёлғиз бир эътиқод билан Аллоҳга сиғинаётганини, яхши ниятлар билан гуноҳларига тавба қилиб, йиғлаб дуо-илтижо қилаётганини кўрдим. Шундай азиз жойга боришга мушарраф бўлганим учун кўзда ёш билан шукроналар келтирдим, минглаб юртдошларим қатори шундай бахтга муяссар этгани учун Аллоҳга ҳамду санолар айтдим.



Пайғамбаримизнинг (алайҳиссалом) қабрларини, Равзаларини зиёрат қилиш насиб этди, кейин у зотнинг энг яқин дўстлари ҳазрат Абу Бакр Сиддиқ ва ҳазрат Умар ибн Хаттоб қабрларини зиёрат қилдик.

Кейинги куни Ислом тарихида илк қурилган жоме Кубо масжидига бориб, у ерда ҳам намоз ўқидик.

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) “Ким уйда таҳорат қилиб, Кубо масжидига келиб намоз ўқиса, умранинг савобини олади”, деганлар. Кейин саҳобалар дафн қилинган Бақиб қабристонига бориб, дуойи фотиҳа ўқидик.



Ухуџ тоғи.



Уҳуд тоғида Пайғамбаримизнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) амакиси, улуғ саҳобалардан ҳазрат Ҳамзанинг қабри бор экан, у зотни ҳам зиёрат қилдик.

Мадина шаҳрида буюк ватандошимиз Имом Бухорий номи билан аталадиган масжидга бориб, биз, ўзбекистонликлар жуда хурсанд бўлдик, бошимиз осмонга етди. Муҳуддис олимлар устози, Пайғамбаримизнинг (алайҳиссалом) муборак ҳадисларини тўплаган, ёзиб қолдирган улуғ олим бизнинг юртимиздан етишиб чиққани билан фахрландик. Улуғ зотнинг Самарқанд вилоятидаги зиёратгоҳи Президентимиз ташаббуси билан қайта тикланганидан халқимиз хурсанд. Имом Бухорий ёшлигиданоқ илм олишга қаттиқ бел боғлайди. Бу йўлда қийинчиликлардан чўчимаydi. Ота-онаси, устозлари дуосини олиб, илм йўлида олис сафарларга чиқади. Не-не машаққатлар чекиб, юртимизни, элимизни дунёга танитган буюк аллома бўлиб етишади. У зот тўплаган “Ал-жомеъ ас-саҳиҳ” китоби Ислом оламида Қуръони каримдан кейин иккинчи ўринда туради.

Улуғ боболаримиз Бухорий ва Термизийларнинг номини бутун мусулмон олами таниши ва қадрлашининг гувоҳи бўлдик. Кўча-кўйдами, масжидлардами, миллатидан қатъи назар, одамлар улуғ боболаримизнинг номини тилга олганларида кўзларимизга ёш келиб, уларга тасаннолар айтдик.

Маккаи мукаррама сари

Меҳмонхонада Маккаи мукаррамага бориш учун тайёргарлик бошланди. Мадинадан чиқиб, мийқот – Обори Али деган жойда ғусл қилиб, эҳромга кирилди. Эҳромга киргач, “Ё Аллоҳ, мен ҳажни ният қилдим уни менга осон эт ва қабул айла” деб астойдил ният қилдик.

Эҳромга кирган одам унинг ҳукмларига амал қилиши зарур. Йўлда бошқа ҳожилар каби биз ҳам: “Лаббайк Аллоҳумма лаббайк, лаббайка лаа шарийка лака лаббайк. Иннал ҳамда ваннеъмата лака вал-мулк, лаа шарийка лак”, яъни: “Лаббай сенга, ё Аллоҳ, лаббай, лаббай Сенга. Сенинг шеригинг йўқ, лаббай Сенга, албатта, мақтов, неъмат ва подшоҳлик сенга хос. Сенинг шеригинг йўқ», дея қайта-қайта талбия айтиб бордик.

Мадинада ҳам, Макка йўлларида ҳам талбия айтилди. Тепаликларга чиқишда, тушишда, одамларни учратганимизда, уйқудан уйғонгач, талбия айтиб турилди.

Дарҳақиқат, сафарга тайёргарлик кўриш жараёнида ҳажнинг Ислом рукнларидан бири бўлиб, ҳам руҳий, ҳам жисмоний, ҳам молиявий ибодат – савоби катта амал эканини, бу сафарга бориш учун тайёрланиш масъулияти ҳам катта эканини билардим. Алоҳида жисмоний тайёргарлик кўриш кераклигини қалбдан ҳис қилдим.

Мустақиллигимиз шарофати билан шунча узок масофага 5 соатда етиб борганимиз учун, бундай қулайликни тақдим этган мухтарам Президентимиз ва ҳукуматимиз раҳбарлари ҳақига хайрли дуолар қилдик. Юртимизга тинчлик-осойишталик бардавомлигини, элимизга сиҳат-саломатлик мустаҳкамлигини, янги-янги ютуқларни тиладик. Дуоларимиз ижобат бўладиган жойларда, зиёратгоҳларда армонларимизни, эзгу ниятларимизни айтиб, дуо-илтижолар қилдик. Ватанимизга яна ҳам ривож-равнақ тиладик. “Ватанни севмоқ имондандир”, “Ўзбекистон – келажаги буюк давлат” каби шиорлар кўз олдимиздан ўтаверди. Аллоҳга сон-саноксиз шукрлар бўлсин, бизларга Мадинада пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафонинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қабрларини зиёрат қилиш, Масжидун Набийда жума намозини ва уч кун барча намозларни жамоат билан ўқиш насиб этди. Мадинадан Маккага қараб юраркансиз, чўлу биёбон, тоғу тошлар кўп, кўкариб турган ўтлар ёки буталарни кўрмайсиз, қўйлар, моллар ҳам йўқ, ҳар ўттиз-қирқ чақиримда туялар тўдасига кўзингиз тушади. Харорат қирқ-эллик даража жазирама, сув йўқ. Бу жойларда одамлар яшамас экан, уйлар кўринмайди.

Макка билан Мадина ораси тахминан беш юз чақиримча келаркан. Пайғамбаримиз Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Ислом динини ёйиш, Қуръони каримни инсонлар қалбига сингдириш учун бу йўлларда машаққатларга дуч келганларини, тинимсиз саъй-ҳаракатда бўлганларини англаш қийин эмас.





Маккаи мукаррама

Маккаи мукаррамага 23 октябр куни автобусда кириб келдик. Макка Саудия Арабистонидаги энг қадимги шаҳар ҳисобланади. Деярли ҳамма томонидан тоғлар билан ўралган водийда жойлашган. Аҳолиси асосан савдо-сотик билан, ҳаж, умра сафарига келганларга хизмат кўрсатиш билан шуғулланади.

Саудия Арабистонининг пойтахти Риёз шаҳри бўлиб, мамлакат подшоҳи Абдуллоҳ ибн Абдулазиз Оли Сауддир.

Макка шаҳридаги Байтуллоҳ – Аллоҳнинг уйи – Каъба жаҳон мўмин-мусулмонларининг муқаддас қибласи ҳисобланади.

Ривоятларга кўра, Каъба Одам Ато замонларида қурилган бўлиб, уни қадим-қадим замонларда ҳам одамлар зиёрат қилишган. Кейинчалик, сув тошқинлари, ер силкинишлари, бўронлар таъсирида бир неча марта вайронага айланган.

Байтуллоҳ – Муқаддас уй, Қуръони каримда “ал-Масжид ал-ҳарам” деб аталган. Ҳозир ушбу масжид атрофи кенгайтирилиб, баланд девор билан ўралган.

Каъба Пайғамбаримизга (алайҳиссалом) ваҳий тушмасидан неча минг йиллар олдин қурилган. Кейинчалик Каъбани Иброҳим Халилуллоҳ ва ўғли Исмоил (алайҳимуссалом) қайта тиклаганлар.



Маккада биз жойлашган меҳмонхонада ҳамма шароит ва қулайликлар яратилган эди. Ҳамма хурсанд, йўл чарчоқлари ҳам чиққан эди. Ўша куни Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Усмонхон Алимов ҳожиларни тўплаб мавъиза қилдилар. “Азиз юртдошлар! Мана, ўзингиз кўриб турибсиз, давлатимиз Ислонда бешинчи фарз амал ҳажни адо этишимиз учун катта қулайликлар яратиб бермоқда. Аллоҳга шукрлар бўлсин, мамлакатимиздан ҳар йили 5000 дан ортиқ киши ҳаж амалини бажариш учун Мадинаи мунаввара ва Маккаи мукаррамага келишга муяссар бўлмоқда. Уларга хизмат кўрсатиш учун махсус ишчи гуруҳи, сиҳат-саломатликларини назорат этиш учун юқори малакали тиббиёт ходимлари келди, тиббиёт маркази ташкил этилди. Парҳез таомларни тайёрлаш учун ошхонада моҳир ошпазлар келишди. Ҳаж амалларини бажариш, зиёратгоҳларга олиб бориш, тушунтириш ишларини олиб бориш учун ҳар эллик кишига элликбоши, минг кишига мингбоши хизмат қилади, улар ҳожиларга ёрдам беради, назорат қилади, йўл-йўриқ кўрсатади. Ҳар бир ҳожи учун исми шарифи ёзилган, Ўзбекистон байроғи тасвири туширилган белги ва меҳмонхона манзили, телефон рақамлари ёзилган билагузук берилади. Мабодо сафар давомида адашиб қолсангиз, ушбу белгилар орқали кимлигингизни аниқлашади. Бундан ташқари доимо сизларга берилган махсус “Ўзбекистон” деб ёзилган кийимни кийиб юришингиз тавсия этилади.

Муфтий ҳазратлари ҳаж амалларини холис, чин қалбдан адо этиш зарурлигини таъкидладилар. Ҳаж амалини бажариш учун ҳар биримиз ҳам


рухан, ҳам жисмонан тайёр бўлмоғимиз керак. Хаж амалига дунёнинг барча жойларидан миллионлаб мусулмонлар келиши, зиёратгоҳлар тирбанд, тиқилинч бўлиши, ҳарорат юқорилиги сабаб кўпгина қийинчиликлар юзага келиши мумкин, деб огоҳлантирдилар. Хаж амалини бажариш шарафли ва машаққатли эканини эътиборга олиб, меҳмонхонада тиббиёт марказ ташкил қилинганини, ҳожилар соғлигини текшириб туришлари учун яхши шароитлар яратилганини ва малакали тиббиёт ходимлари хизмат қилишини эслатиб ўтдилар.

Муфтий ҳазратлари суҳбати сўнгида яна: “Аллоҳ таолонинг даргоҳига дуолар қилайлик, ҳажимиз қабул бўлсин, нуқсонларимиз бўлса тўғриласин, гуноҳларимизни кечирсин, юртимизни офат-кулфатлардан паноҳида асрасин”, деб дуо қилдилар.

Масжидул Ҳаром дарвозасидан талбия айтиб, ичкарига кирдик. Каъбага қараган ҳолда: “Аллоҳу акбар!” деб такбир айтдик.

Кейин баланд устунли айвонлардан ўтиб, Каъба турган очиқ майдонга чиқиб олдик. Каъбанинг “Ҳажарул асвад” жойлашган бурчаги тўғрисида одамлар орасига кириб, тавоф қилишни бошладик. Майдон ниҳоятда гавжум, тирбанд бўлганини кўриб, хайратландик. Ҳожиларнинг ҳаммаси оппоқ эҳромга ўранган, бир-бирларига яхши муомалали ҳаммаси фақат тоат-ибодатга берилган, юрагидаги дардларини Аллоҳга айтиб, дуо-илтижолар қилишар эди. Бундай хайрли ҳолат банда ҳаётидаги улуғвор лаҳзалар бўлиши шубҳасиздир.

Мен ҳам шеригим Муҳаммади Ойназаров билан ёнма-ён Каъба томонга интила бошладик. Мен ҳаж сафарига бориб келганлар билан кўп



суҳбатда бўлганман. Тавоф чоғи бўладиган турли ҳолатларни сўзлаб беришган. Эллик бошимиз ўргатганларидек Каъбани тавоф қилишда фақат чап томонга қараб ҳаракат қилиш кераклигини, барча кучни, эътиборни шунга қаратиш лозимлигини билардим. Чунки чап тарафингизда каъбаи муаззама бўлади.

Шунинг учун Худодан куч-қувват тилаб, иккимиз секин-аста Каъбага қараб ҳаракат қила бошладик. Аллоҳ таоло йўлимизни очди куч-қувват берди ва биринчи айланишда биз ҳамжиҳатлик билан, бир-биримизни қўллаб-қувватлаб Каъба деворини ушлашга муяссар бўлдик. Парвардигорим Ҳажарул асвад сари ҳам йўл очиб берди. Қора тошни ўпиб, дуолар қилиш бахтига ҳам мушарраф бўлдик.

Ҳар гал тавоф қилганимизда Аллоҳ таолодан илтижо қилиб, барча яхши ниятларимиз, истакларимиз амалга ошишини сўрадик. Юртимизга, элимизга тинчлик, хотиржамлик, раҳбарларимизга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат тиладик.

Каъбани тавоф қилиб бўлгач, “Бисмиллаҳи Аллоҳу акбар”, деб, Иброҳим мақомида икки ракат намоз ўқидик. Оғир ётган беморларга шифо, фарзандсизларга фарзанд беришини Аллоҳ таолодан ўтиниб сўрадик. Каъбани тавоф этишга эриштиргани учун Яратганга минг-минг шукроналар айтдик.

Меҳмонхонада мингбошимиз Бобоҳон Қосимов билан учрашиб, биринчи кунда бажарган амалларимиз тўғрисида айтиб бердик. У киши баъзи вожиб амалларни тўлиқ бажармаганимизни, эртага тонгдан бошлаб яна қайтадан адо қилишимиз

кераклигини тушунтирди. Бу амалларни қандай бажариш зарурлигини батафсил баён этиб берди. Шу боис эртаси куни яна эртароқ Масжидул Харомга йўл олдик.

Меҳмонхона эшиги олдида Ўзбекистон ҳожилари учун кеча-кундуз хизмат қилаётган автобуслар тайёр турган экан. Автобусдан тушганимиздан кейин қарасак, Каъбага борадиган кўчаларда одамлар ўтириб олган, ҳаммаёқ одамлар билан тўла, фақат бир киши ўта оладиган ёлғизоёқ йўлакча қолган, холос. Биз Муҳаммади Ойназаров билан шу йўлакдан КАЪБА томон юрдик. Кичик йўлак ҳам Каъба ҳовлисида ёпилиб қолган эди. Биз нима қилишни билмай, ўйланиб турган эдик, бир қора танли киши имо-ишора билан бизни ёнига чақирди. Одамлар тирбанд бўлса ҳам, биз учун жойнамоз тўшаб, ёнидан жой берди. Мусулмонларнинг бир-бирларини ана шундай ҳурмат қилишларини гувоҳи бўлдик. Ҳамма ҳожилар билан бирга бомдод намозини ўқидик.

Намоздан кейин яна Каъбатуллоҳ томон интилдик. Бир амаллаб Каъба ҳовлисига кириб бориб, ҳаж амалларини бажаришга киришдик. Тавофни, саъйни тўла бажардик. Ҳаж амалларини бажариш орасида ҳожилар ўз хоҳишлари билан умра қилишлари ҳам мумкин экан.

Алоҳида ният қилиб, соғлиги ёки кексайиб қолгани сабабли ҳаж ё умра қилолмаган ва ёки вафот этган ота-оналари, яқин қариндошлари номидан ҳам умра амалини бажариш мумкин бўларкан.

Мен ҳам раҳматли отам Абдухалил Искандаров номидан умра қилдим. Отам Жарқўрғон тумани-

да энг биринчилардан бўлиб Самарқанд Давлат университетини 1948 йили битириб, сўнг мактабда ўқитувчи, кейинчалик, директор вазифасида ишлаб, етук мутахассислар тайёрлаш ишида фидойилик қилган кишилардан бири эдилар. Кейин меҳрибон онам. Уч фарзандни улғайтириб, яхши тарбия бериб, ўқитиб, олий маълумотли қилган Хонимой Холмирзаева номидан ҳам умра амалларини бажардим. Кейин ёш бўлса ҳам, малакали шифокор, жарроҳ кўп шогирдлар тайёрлаган, меҳрибон укажоним мархум Абдуғаффор Искандаров номидан ҳам умра амалларини бажардим.



Мино тоғида

4 ноябр куни Мино тоғига бориб, ўзбекистонлик ҳожилар учун махсус ажратилган чодирларга жойлашдик. Минода Ўзбекистонимизнинг байроғи катта шар ёрдамида баландга кўтарилиб, ҳилпираб турганини кўриб, кўнглимиз фахр-ифтихор ҳиссига тўлди. Бу ҳол бизни янада қувонтирди. Байроғимиз узоқлардан ҳам салобат билан кўриниб турарди. Мино сари йўлга чиқишдан олдин таҳорат олиб эҳромларга ўрандик, автобусларда келдик. Шу куни барча ибодатларни, фарз, вожиб, суннат амалларни бажариб, Аллоҳ таолодан тинчлик-осойишталигимиз бардавомлигини, ёшларимизнинг бахт-саодатини сўраб, хайрли дуолар қилдик.

Ё Парвардигор, Минода қилган дуоларимизни улуғ даргоҳингда қабул айла! Ожизона ибодатларимизнинг савобларидан сарвари коинот Муҳаммад мустафо (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) муборак руҳониятларига, у зот туфайлидан аҳли байтлари, яқинлари, барча мўмин мусулмонлар руҳониятига етказгин. Шунингдек, Одам отамиз, Иброҳим Халилуллоҳ, Исмоил пайғамбар (алайҳиссалом) руҳи покларини ҳам дуоларимиз билан шод эт. Тоат-ибодатларимизни гўзал ва муккамал тарзда қил, нуқсонлари, камчиликларини тўлдиргин. Сенга ёқмайдиган сифатлардан бизни халос эт!

Мино тоғида қилган барча эзгу тилакларимизнинг амалга ошишини насиб айла! Фарзандларимизни эл-юрт учун фойдали, яхши инсонлар этиб тарбиялашга эриштиргин! Нафсимизнинг асири бўлишдан асра!





Арафотдаги ибодатлар

Пайғамбаримиз Муҳаммад мустафо (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Ҳаж Арафадир», деганлар. Яъни, ҳажнинг энг муҳим рукни Арафот майдонида туришдир. Минодан Арафот тоғигача бир неча чақирим йўл. Бизга ажратилган автобусларда талбия айтиб Арафот томон йўл олдик. Бу амал арафа куни бомдод намозидан кейин амалга оширилади. Арафотда ҳам ҳожилар ибодат қилдилар, холис дуога қўл очадилар. Арафотда ҳам бизлар учун махсус чодирлар тутилиб, ерга гилламли тўшаб қўйилган экан.

Тарихда ҳазрат Одам Ато, Иброҳим Халилуллоҳ, (алайҳимуссалом) Муҳаммад мустафо (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) шу жойларда туриб тоат-ибодат ва дуолар қилишган. Пайғамбаримиз Муҳаммад мустафо (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳаж қилган йиллари Арафотда хутба қилганлар. Мусулмонларни тақводор бўлишга, ўзаро аҳил-иноқ, дўст бўлиб яшашга чақирганлар. Арафотда биз ҳам билиб-билмай қилган гуноҳларимиз учун тавба-тазарру қилдик. Аллоҳ бизга берган неъматлар ҳақида тафаккур этиб, сукутга чўмдик. Юртимиз, элимиз тинчлиги бардавом бўлишини, фарзандларимиз бахт-саодатини сўраб, Аллоҳга дуолар қилдик. Бу водийда соф кўнгилли ҳар бир мусулмон ўзини янги туғилгандек енгил ҳис қилар экан. Биз ҳам буни сездик, англадик.

Бу муқаддас жойда ҳам Ўзбекистон мусулмонлар идораси раиси, муфтий ҳазрат Усмонхон Алимов мавъиза қилдилар. У киши Арафотда туриш

ўзи ҳожилар учун фарз экани, Арафотда турилмаса, ҳаж амали асло муккамал бўлмаслигини айтдилар.

Муфтий ҳазратлари Арафот водийсида ҳаж сафарига келган ҳожилар номидан уларга яратиб берилган имкониятлар, шароитлар, Ислом қадриятларини, урф-одатларини улуғлаб ғамхўрлик қилаётгани учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга Қурбон ҳайити муносабати билан табрик хатини ўқиб эшиттирди.

“Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳим. Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳу ва барокатуҳ. Ҳурматли Президент жаноби олийлари!

Сизни ва Сиз орқали барча юртдошларимизни улуғ айём, Қурбон ҳайити байрами билан табриклаймиз! Таббарук замин Арафот водийсида ҳаж ибодатини бажариб юрган ҳожиларимиз номидан самимий муборақбод этамиз.

Мустақиллик йилларида миллий қадриятларимиз ва диний қадриятларга юртимиздан етишиб чиққан буюк алломалар қадамжоларини обод этилиб, уларга янада тароват бахш этилиши ва ёшларимиз маънавиятини юксалтиришни амалга оширишда эзгу, хайрли ишлар халқимизни янада улкан зафарларга руҳлантирмоқда. Биз ўзбекистонлик ҳожилар Маккаи муккаррама, Мадинаю мунавварада туриб, Сизнинг раҳнамолигингизда мустақил юртимиз янада обод, тинч бўлишини Яратгандан сўрамоқдамиз.

Ҳурматли Президент жаноблари! Аллоҳ таолодан Сизга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат тилаб, халқимиз ва азиз диёримизни Аллоҳ ўз паноҳида асрасин деб дуо-илтижолар қиламиз”.





Арафотдаги дуолар

Ё Раббий! Ҳар турли мақтов, барча ҳамду сано Сенгагина хосдир. Сен ҳар қандай нуқсонлардан поксан.

Ҳамма нарсани биласан, эшитасан, кўрасан. Сен ҳамма нарсага қодирсан. Барча мулк, қудрат Сеникидир. Амрингга итоат этиб, Сенга ҳамду сано, Пайғамбаримизга салавот ва салом айтиш учун узоқлардан Сен яратган уловларда келдик.

Сенга руку, сажда, қилиб, чин ихлос билан тоат-ибодатларни адо этмоқдамиз.

Арафа кунининг ҳурмати, Сен туширган Қуръони карим ҳурмати, Каъбаи мушаррафанинг ҳурмати, Ўзинг фарз этган ҳаж ҳурмати, Қурбон ҳайити ҳурмати, дуо-илтижоларимизни қабул эт! Бизларни, эл-юртларимизни барча ёмонликлардан сақла! Паноҳингда асра!

Сен яккаю ягонасан, шеригинг йўқ, Сенга тавба қиламиз. Гуноҳларимизни афв эт! Сендан фақат яхшиликларни сўраймиз. Яхши амалларни қилишга тавфиқ бер, ёмонликлардан доим узоқда бўлишимизни насиб эт!

Муздалифада туриш

Арафотдаги тоат-ибодатлар адо этиб бўлингач, кун ботишидан олдинроқ автобусларда Муздалифа тоғига етиб бордик. У ерда шом ва хуфтон намозларини ўқидик. У ерда шайтонга отиш учун тошчалар териб олдик. Иброҳим Халилуллоҳ (алайҳис-

салом) Минога бораверишда шу ердан ўтганлар. У зотни васваса қилиб, қароридан қайтармоқчи бўлган шайтонга отиш ниятида тош олганлар. Пайғамбаримиз Муҳаммад мустафо (соллаллоху алайҳи ва саллам) ҳаж қилганларида Муздалифада шом ва хуфтон намозларини эрталаб бомдод намозини ўқиб, сўнг Мино тоғига йўл олганлар. Бу жойларда туриш ҳожига вожиб амал ҳисобланади. Кечани тоғ ён бағрида ўтказдик. 6 ноябр куни эрталаб бомдод намозини Муздалифада ўқиб, яна автобусларда Минога қараб йўлга тушдик.



Мадинадаги «Масжидун Набий» ҳовлиси.

Жамаротдаги уйлар

Ҳажнинг вожиб амалларидан бири «Ақоба» деган жойда шайтонга тош отиш ҳисобланади. Тошни ҳайитнинг биринчи куни бомдод намозидан кейин отиш жоиздир. Ҳар бир тош отганида «Бисмиллаҳи, Аллоҳу акбар!» дейиш ва отилган тош махсус жойга тушиши керак. Тошни фақат кундуз куни отиш зарур. Ҳайитнинг 2–3 кунлари уч ўринда тош отилади, яъни “Жамратул ула”, “Жамратул вусто” ва “Жамратул ақоба” деган жойларда. Бу ерда ҳожиларнинг баъзилари йиғлаб дуолар қилиб, баъзилари эса ғазабланиб тош отганини кўриб, ўйга толаман. Барибир шайтон инсоннинг ашаддий душмани эканига амин бўламан. Пайғамбаримиз Муҳаммад мустафо (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳадиси шарифларида инсон учун ашаддий душман бўлган шайтоннинг ёмонлигидан сақланиш йўлларини кўрсатиб, унинг ҳеч қачон одамга яхшилик қилмаслигини уқтириб кетганлар.

Аллоҳ таоло шайтоннинг ёмонлигидан ҳийлаю макридан сақласин, уни бизлардан узоқлаштирсин. Илмсиз одам жоҳиллик ботқоғига ботиб қолади. Худди қоронғидаги кимса ҳеч нарсани кўрмаганидек, жоҳил ҳам ўз амалини яхши дегувчи, нотўғри бўлса, тўғри деб, насиҳат қилувчиларни, ўзига душман билувчи бўлиб қолади. Ҳазрат Али (розияллоҳу анҳу) айтганидай; илм мол дунёдан

афзал, илм инсонни ҳимоя қилади, у камаймайди, моли борнинг моли камая бошлаши, тугаши мумкин, бироқ тўпланган илм камаймайди. Инсон фойдали илми билан, унга оғишмай амал қилиши билан, тақво, чин ихлос ва албатта, Аллоҳ таолонинг мадади туфайли шайтоннинг ёмонликларидан сақланиб қолади.

Куръони карим Аъроф сурасининг 27-оятда бундай буюрилган: **“Зеро, у ва унинг тўдаси сизлар уларни кўра олмайдиган тарафдан сизларни кўрадилар. Биз шайтонларни имон келтирмайдиганларга дўст қилиб қўйдик”**. Шайтонлар ва ёмон нафс инсонни ахлоқий бузукликлар, қабих ишлар, ўғирлик ва бошқа жиноятлар қилишга ундайди. **“Эй Одам авлоди! Шайтон оналарингиз (Одам Ато ва Ҳавво)нинг авратларини ўзларига кўрсатиб, (уялтириб) жаннатдан чиқаргани каби сизларни ҳам алдаб қўймасин!”** (Аъроф, 27).

Мино тоғига келганимиздан кейин шайтонга тош отиш учун тайёргарлик кўрар эканмиз, Иброҳим ва Исмоил (алайҳимуссалом) қиссаларини ўйлаб, хайёлга чўмаман.

Биз Муздалифа тоғида кичик тошчаларни тегиб олган эдик. Тош отиладиган жойга, яъни Жамаротга томон йўл олдик. Минг-минглаб ҳожилар қўлида тош билан яёв, уловларда қаторлашиб, йўлга тушишганини кўрдим.

Йўл-йўлакай ўзимизнинг ҳаётимизда ҳар хил йўл қўйган хато-камчиликларимизни, билиб-билмай қилган гуноҳ ишларимизни, бошимиздан ўтган воқеа-ҳодисаларни, ўйлаб, истиғфор, талбия айтиб борар эдик. Кўпларнинг кўзларида ёш,

кўнгли надоматга тўлган, юзлари ғамгин, ҳаётида гуноҳ ишларни бошқа қайтармасликка азму қарор қилган, инсонни гуноҳга бошловчи асосий душмани шайтонни қувиш, унинг васвасаларидан қутулиш учун йўлга отланганининг гувоҳи бўлдим. Аллоҳнинг қудрати – ҳажнинг ҳикматига имон келтирдим. Ва ниҳоят, шундай хаёллар оғушида шайтонга тош отиладиган “Ақоба” ёнига бориб, минг-минглаб мўмин-мусулмонларнинг барчаси шайтонга ғазаб билан, гуноҳларидан йиғлаб: «Бисмиллаҳи, Аллоҳу акбар!» деб тош отиб бошлаганини кузатиб турдим. Тош отишга кучи, қурби етмаган кексалар, беморларнинг ўрнига уларнинг номидан бошқа кишилар отишлари ҳам мумкин. Дарҳақиқат, ҳадиси шарифда: «Аллоҳдан кўрк, Аллоҳга тавба қил, гуноҳ қилсанг, унинг орқасидан савобли эзгу иш қил, кимнингдир дилини билиб-билмай оғритиб қўйсанг, кейин унга кўмак бер, яхшилик қил» дейилган.

Савобли ишлар қилганингда хурсанд бўлсанг, гуноҳ иш қилганингда хафа бўлсанг, демак, ҳақиқий мўминларнинг фазилатини қозонибсан. Мўмин кишининг қўли ва тилидан бошқалар озор чекмасликлари керак. Ҳар ҳолда одамзод хато, камчиликдан холи эмас. Илмсизлигидан гуноҳга йўл қўйганини ўзи ҳам билмай қолади. Шунинг учун тавба-тазарру қилсак, айбимиз, гуноҳларимиз ўчирилиб бораверади.

Аллоҳ таоло банданинг самимий тавбасини қабул қилади. Чин қалбдан қилинган тавба қабул бўлади. Чин тавбанинг шарти бир гуноҳдан тавба қилдими, бошқа унга қайтмасин! Барчамизни Аллоҳ тўғри йўлга бошқарсин...

Аллоҳнинг марҳамати чек-чегарасиздир. Пайгамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Бир банда бир гуноҳ қилганида қалбида бир қора нуқта пайдо қилади, шунда у тавба қилса, Аллоҳ ўша нуқтани ўчиради. Мабодо тавба қилмай, яна гуноҳ иш қилса, яна иккинчи нуқта пайдо бўлади. Бордию яна гуноҳга йўл қўйса, улар бирлашиб, қалбини қорайтириб юборади”, деганлар.

Шайтонга тош отаётганларга қарайман, яна ўйланиб қоламан, доимо фикру зикримда таниқли ёзувчимиз Ўткир Ҳошимовнинг «Дафтар хошиясидаги битиклар» китобида шайтон тўғрисида ёзганлари кўз олдимга келаверади: “Баъзиларга ҳайрон қоласиз, қилғиликни қилиб қўяди-да, билмай қилдим, шайтон йўлдан урди”, дейди. Тўғри, одамнинг қони билан шайтоннинг васвасаси томирда айланиб юриши бор гап. Баъзан ўйлаб қоласан. Инсон учун фазилат бўлган инсофу тавфиқ, одамгарчилик, хайр-эҳсон каби эзгуликларни баъзилар “унутиб қўйишаётгани” ҳам шайтоннинг таъсириданмикан? Улар ўз нафсининг мол-дунёга кучли истаклари асирига айланиб қолишмаяптими,

Ё Аллоҳ, қилган тоат-ибодатларимизни улуғ даргоҳингда қабул айла. Сен ёмон кўрадиган сифатларимиз, хулқларимиз – ҳолатларимиз бўлса, улардан халос қил. Даргоҳингга юзимиз ёруғ бўлиб боришимизни насиб эт!

Ё Раббий! Бизларда Ўзинг яхши кўрган сифатларни ҳосил қил, ҳалол ризқу насибалар ато эт! Нафс балосига асир қилма! Ҳар хил гуноҳ ишлардан бизни йироқ қил, паноҳингда сақла! Шай-

тонни биздан узоқ қил! Шайтон васвасасидан Ўзинг асра, мадад бер! Илтижо қиламан, дуола-римизни қабул айла! Ё Раббим! Сенга номақбул ахлоқимиз, сифатларимиз бўлса, бизни улардан покла, халос эт! Гуноҳларимизни кечир! Бизни шайтонга мағлуб этма! Ё Раббий! Нафсимиз ҳой-ҳавасларига эргашиб, ношукрликка кетишдан паноҳингда асра!

Бизни ёмонликлардан, турли маъсият-гуноҳлардан узоқ қил, ё Раб! Бизни оғир синовларга ташлама, ғам-андуҳда, қийинчиликда қолдирма, балки завқу шавқ, ихлос билан тоат-ибодат қилишни насиб айла! Оғир касаллик берма, қалбларимизга хотиржамлик эҳсон қил, дардларимизга шифо бер, танзимизга куч-қувват, мадад бер.

Шайтоннинг асосий қуроллари маст қилувчи ичимликлар, гиёҳванд моддалар динимиз ҳаром қилган нарсалардир. Шайтоний васваса улар орқали одамларнинг асаби, юрак, қон-томир аъзоларига кириб, ёмон таъсир ўтказди. Уларни истеъмол қилганидан кейин киши маст бўлади, ақли, ҳушёрлиги кетади. Гўё кайфияти кўтарилгандек бўлиб, ўзига бино қўяди. Олдинига озроқ ичганида камлик қилгандай туюлади. Шайтон яна ич, деб туртки бера бошлайди. Алжийди, бўлар-бўлмасга кулаверади. Баъзилар эски, унутилган ноҳуш гапларни эслайди, жанжал бошлайди, сирларини очади. Ичкиликка муккасидан кетган одам бойлигидан, соғлигидан охир-оқибатда оиласидан айрилганини ҳам билмай қолади. Маст қилувчи ичимлик сабаб шайтон кишини ёмон ишларга осонгина васваса қилади, йўриғига солади.

Минода, Жамаротда шайтон рамзларига тош отиш замирида мусулмонларнинг жам бўлиб, асо-сий душманлари иблисга ва унинг малайларига нафратларини ҳам жисман, ҳам маънан изҳор этишлари ётади.

Ё Аллоҳ! Шайтон васвасасидан ўзинг асра. Шайтонни биздан узок қил, гуноҳ ишлардан паноҳ бер! Сенга мақбул бўлмаган сифатлардан бизни халос эт! Мино тоғида бизлар қурбонлик қилишимиз учун олиб келинган қўйларни ҳам кўрдик. Ўзбекистонлик ҳожилар учун 5 мингта қўй олиб келинган экан. Қурбон ҳайити куни сўйиладиган бу қўйлар гўшти камбағал, бева-бечораларга садақа қилинар экан. Ҳамроҳим Муҳаммади Ойназаров билан қўйларни кўздан кечирдик.

Ҳар йили ҳаж сафарига келган ҳожилар Қурбон ҳайитини Мино тоғида кутиб олишади. Шу куни Минода икки миллион ҳожи тоат-ибодат қилиб тонг оттирди. Барча мўмин-мусулмонлар Аллоҳ ризолиги учун тоат-ибодат қилаётганини, қалблари уйғоқ эканини, кўпчилигининг кўзларида қувонч ёшлари қалқиганини кўрдик. Улар бу жойда барча мол-дунёга тегишли, нафсоний ўй-фикрлардан йироқ турганининг гувоҳи бўлдик. Бу ҳолат бағоят чиройли инсон руҳиятини юксалтирадиган бир манзара эди.

Ифоза тавофи, Видо тавофи

Қурбон ҳайити куни шайтонга тош отганимиздан сўнг, Маккага қайтиб Ифоза тавофини адо этдик. Бу амал ҳам ҳажнинг фарзларидан ҳисобланади. Тавоф, саъй қилиб Масжидул Ҳаромда яна мустақил юртимиз, халқимиз ҳақиқага хайрли дуолар қилдик.

Юртимизга қайтишимиздан олдин видолашув тавофини адо этиш учун яна Каъбатуллоҳга бордик. Барча амалларни бажариб, ибодат қилиб дуолар ўқидик, Яратганга шукроналар айтиб, яна келишга муяссар этишини Аллоҳдан сўрадик. Ҳаж сафариди Мадинаи мунавварада, Масжидун Набийда, Кубо масжидида, Маккаи мукаррамада, Каъбада, Минода, Арафотда, Муздалифада, қилган дуоларимизни, ибодатларимизни, орзу-ниятларимизни ижобат қилишини сўраб, илтижо қилдик.

Эй Парвардигорим! Сен берган ҳаётимнинг ҳис-ҳаяжонли, ҳис-туйғуга, завққа тўла дамларимни ҳаёт дафтарига ёзиш ва олтин қоғозга туширишда менга зеҳн-заковат, ақл-идрок, илҳом, ирода берганинг учун Сенга минг-минг марта шукрона айтаман.

Ҳажга чақирганинг, адо этишга қодир қилганинг учун, Яратган Раббим, Сенга чексиз ҳамду санолар бўлсин! Менга куч-қувват берганинг, Замзам сувларидан тўйиб-тўйиб ичиб, кўп хасталиклардан халос этганинг учун Парвардигорим, Сенга шукралар айтаман.

Бажарган барча яхши амалларимизни гўзал тарзда, камчиликларини тўлдириб, қабул эт! Нуқ-

сонлари бўлса, кечир! Бизни гуноҳ ишлардан қайтар, ёмонликлардан паноҳингда асра!

Ё Раббим! Шайтоннинг душманлигидан, ёвузлигидан, ҳийлаларидан ҳаётимнинг ҳар дақиқасида огоҳ қил! Орзу-умидларимга эриштир, қалбимни Ислом нури билан тўлдир, ҳаётимга завқу шавқ бер! Ё Аллоҳ! Ҳажимизни қабул эт! Бизни яна ондан қайта туғилгандек гуноҳлардан фориғ бўлиб, она юртимизга, уйимизга ёруғ юз билан қайтишга муяссар қил!

* * *

Ҳаж ибодатини адо этиб, юртга қайтиш учун самолётда осмонга кўтарилдик. Ойнадан пастга қараб, томоша қилганимда дарахтсиз чўллар, сувсиз саҳроларни кўрдим. Юртимиз чегарасидан ўтганимизда дарёлар, кўм-кўк дарахтлар, илон изи бўлиб, кенг, равон йўллар кўринди. Қалбимдан Ўзбекистон жаннатмакон диёр эканини яна бир бор ҳис қилдим. Самолёт Термиз шаҳрига келиб қўнганида она тупроғимизнинг ҳиди димоғимга урилди. Ватанни қанчалик қўмсаганим, соғинганимни ҳис этдим. Бизни кузатган дўстлар, биродарлар, қариндошлар йўлларимизга поёндозлар тўшаб, интиқлик билан кутиб туришган экан. Бундай меҳр-оқибат, ажойиб хислат халқимизга хослиги қалбимни фаҳрга тўлдирди.

Ўзбекистон ҳожиларига ғамхўрлик қилиб, шароитлар яратиб бераётган мухтарам Президенти-мизга, бошқа раҳбарларимизга ҳаж амалларини бажариш тўғрисида йўл-йўриқлар кўрсатган, туншунмаган саволларимизга жавоб берган, оғи-

римизни енгиллатган ишчи гуруҳи аъзоларига доимий ҳамроҳ бўлган биродарларим Муҳаммади хожи Ойназаровга, Турсун хожи Рўзиевга ва бошқа дўст-яқинларимга самимий миннатдорлик билдираман.



Ҳожиларга тиббиёт хизмати

Ҳаж сафарига чиқишдан олдин ҳожилар вилоятлар кўптармоқли тиббиёт маркази тиббий комиссияси – юқори малакали мутахассислар кўригидан ўтишлари зарур. Бундан ташқари улар ЭКГ, УЗИ аппаратлари, рентген-флюорография кўригидан ҳам ўтказилади. Зарурий тиббий таҳлиллар амалга оширилади. Тиббий кўриқда аниқланган касалликлар бўйича шифохонага ётқизишиб, даволанади ва ҳажга бориш ёки вақтинча қолдириш тўғрисида, соғлиги тўғрисида якуний хулоса берилади. Ҳаж сафарига жўнаш олдидан грипп, менингитга қарши эмланади.

Мадина, Макка шаҳарларига борилганидан кейин меҳмонхонада республика ҳаж сафари бўйича тиббий марказ ташкил қилинади. Унда ҳожиларга юқори малакали тиббиёт ходимлари хизмат кўрсатишади. 2011 йили ҳаж тиббиёт марказига соғлиқни сақлаш вазирлиги тиббий хизмат кўрсатиш бошқармаси бошлиғи, тажрибали шифокор А. Ёқубов бошчилик қилди. Марказда терапевт, хирург, невропатолог, стоматолог ва бошқа мутахассислар доимий хизматда бўлишди.

Тиббиёт марказида ётиб даволаниш, катнаб муолажа олиш учун барча шароит ва қўлайликлар бор. Замонавий тиббий асбоб-ускуналар ҳожилар хизматига шай қилинган. Барча қулайлик ва шароитлар етарли даражада ҳозирлангани эътиборга лойиқдир.

Маълумки, ҳаж амалларини бажаришда ҳар бир хожининг жисмоний, руҳий соғлом бўлиши талаб қилинади. Айниқса, ёши улуг қариялар, оғир вазнли кишилар, суяк-бўғим, бел оғриғи, остеохондроз касалликлари билан оғриган, нафас олиш аъзолари касаллиги бор кишилар ўзларини ниҳоятда эҳтиёт қилишлари, саломатликларига эътибор беришлари лозим.

Шу боис уларнинг марказда тиббиёт ходимлари назоратида бўлиб, ҳар куни қон босимини текширтириб туришлари, соғлиқларига жиддий эътибор беришлари мақсадга мувофиқдир.

Ҳаж амалини бажаришда жисмоний толиқиш, кийинчиликлар, машаққатлар туғилиши табиий. Айниқса, пиёда узоқ масофаларни босиб ўтиш, тикилинчда тавоф, саъй қилиш, оёқяланг юриш, тоғларга чиқиш, шайтонга тош отиш каби амалларни бажаришда толиқиш ва зўриқишлар бўлиши мумкин. Бу амалларни бажаришда киши танасида чарчаш ёки қон босими кўтарилиши ёки пасайиши, нафас қисиш ҳолатлари кузатилиш эҳтимоли кучаяди. Ҳавонинг иссиғида нохушлик туғилиши мумкин.

Айниқса, Каъбатуллоҳни тавоф қилишда одам жуда кўп бўлади, бир томондан, ҳарорат 40–50 даража иссиқ бўлса, иккинчи томондан, бу ерда одамларнинг жуда кўплиги кекса ёшли, оғир вазнли, юраги камқувват кишиларни толиқтириши мумкин.

Бундай шароитда ҳар бир киши соғлигини эътиборга олиб, Каъбани тавоф қилишни узоқдан, ё иккинчи қаватда, одамлар сийрак

жойдан бошласа, ишора билан такбир айтиб, тавоф қилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Ёши улуғлар, қариялар ният қилиб, Каъбага қараб, узоқдан қўл билан ишора қилиб, ўпса ҳам, амаллар рисоладагидек бажарилган ҳисобланади.

Каъбада Замзам сувидан тўйиб ичиш ҳам жуда фазилатлидир. Замзам суви қорни очга таом, касалга шифодир. Сув илиқ ва совуқ ҳолда чиқиб турибди. Баъзиларнинг терлаб келиб, замзам совуғидан ичиб, шамоллаб қолиши ҳам кузатилади. Шундай нарсаларга жуда эҳтиёт бўлиш керак. Шунинг учун мизожига ва танасининг аҳволига қараб, илиқ сувдан ичилгани маъқул. Сувни ният қилиб ичиш лозим. Замзам муборак сув, ундан доимий ичиб турсангиз, қалбингизга ва жисмингизга шифо бўлади. Об-ҳаво ҳарорати октябр-ноябр ойларида ҳам 40–50 даража иссиқ. Бундай об-ҳаво шароитида офтоб уришидан жуда эҳтиёт бўлиш тавсия этилади.

Ё Аллоҳ! Барчамизнинг дардларимизга шифо бергин, соғ-саломат ҳаж амалларини адо этишимизни насиб қилгин! Мустақил Ўзбекистонимизда тинчлик-осойишталикдек неъматингни бардавом айла, халқимиз фаровонлигини бундан ҳам зиёда этгин!

Ҳаждан кейин

Аллоҳнинг уйида – Каъбада кўзларимизда ёш билан, тавоф, саъй қилганларимизни, замзамдан тўйиб-тўйиб ичганларимизни унутиб бўладими? Мино, Арафот, Муздалифа тоғларида қилган ибодатларимиз қалбимиздан чиққан жўшқин дуолар, эзгу орзу-умидларимиз, пок ниятларимизни эсдан чиқариш мумкинми, ахир?

Барча-барчаси ҳаётимизнинг унутилмас лаҳзаларидир. Қанчадан-қанча аждодларимиз, ота-боболаримиз бундай кунларни кўрмай, армон билан дунёдан ўтиб кетганларини тарихдан биламиз.

Ёзувчи бўлмасам-да, қўлимга қалам олиб, кўнглимда мавж урган туйғуларимни қоғозга туширишга аҳд килдим. Улуғ мақсад олдида турганимда меҳнатни роҳат бил, дейилган араб мақолларидан бирида.

Муҳтарам Юртбошимиз 2013 йилни “Обод турмуш йили” деб атадилар. Бу билан давлатимиз асосий эътиборни эл-юрт ободлиги, халқ фаровонлиги ва аҳиллигига, бахт саодатига, сиҳат-саломатлигига қаратиш зарурлигини мақсад қилиб қўйилди. Ҳаж таассуротларим тўғрисидаги рисолам тайёр бўлганидан кейин энг яқин дўстим, тиббиёт институтини бирга битириб, бир неча йиллар давомида раҳбарлик лавозимларида ишлаб келган Сайфиддинхон Раҳмиддинхон ўғли билан учрашдим. У киши диний билимлардан хабардор, ўзи ҳам ҳаж сафарига бориш ниятида тараддуд қилиб юргани учун рисоламни ўқиб кўриб, сўнг фикрларини айтишини сўрадим.

Сўнг китобни уйига олиб кетишини ва адабиёт-шунос, араб тили бўйича мутахассис, Ислом таълимотини чуқур биладиган Собирхон Сайфиддинхон ўғлига ўқитишини айтди. Рози бўлдим. У киши ҳам китобни ўқиб, фикр-мулоҳазаларини билдирганидан хурсанд бўлдим.

Кейин рисолани Сурхондарёда, олий тоифали шифокор дўстим Акром хожи Ферматов ўқиб чиқди. Ҳожилар доимо эл-юртга яхши хизматлар қилиши, одамийлиги, яхши сўзи, гўзал ахлоқи, фазилатлари билан ибрат бўлиши керак, уларда одамларга ҳурмат, самимийлик, камтарлик, поклик каби туйғулар мужассам бўлиши зарур.

Рисоладагидек адо этилган ҳаж “Ҳажжи мабрур” дейилади. Муборак ҳадиси шарифда: “Ҳажжи мабрурнинг мукофоти жаннатдир”, дейилган. Ҳожи доимо гуноҳ амаллардан узоқ бўлиши керак. Одамларни ҳақорат қилиш, ғийбат қилиш, бировларга озор бериш, ҳатто курту кумурсқаларга, ўсимлигу дарахтларга, ҳайвонларга ҳам зарар етказмаслиги лозим. Фақат хайрли, савоб ишлар қилиши керак.

Яхшилик учун кураш

Инсон умрини оқар дарёга қиёс қилишади. Дарё доим бир текис оқмайди. Баъзан тўлиб-тошади, хайқиради, тўлқинланади, лойқаланади, сокин бўлади, тиниқлашади. Ва ниҳоят, дарё суви бўлиниб-бўлиниб кетиб, кичик-кичик ариқчаларга оқиб ўтиб, ерга, экин-тикинга куч-қувват беради, малҳам бахш этади. Инсон учун керакли ҳар хил экинларни кўкартиради, ҳосилга киритади. Инсон ҳаёти ҳам доимо курашлардан иборат бўлиши, доимо қарама-қаршиликларга дуч келиши, зиддиятларга учраши сир эмас.

Шунинг учун инсон ўз ҳаётида фақат яхшилик қилиши лозим. Инсонларга ёрдам қўлини чўзиши керак. Яхши дўст орттириш, ишлаган жойида ҳурмат топиш тўғрисида ўйлаши керак. Ёмон киши дунёдан ўтса, хоҳлайсизми-йўкми, унинг ҳам ёмон ишлари кўз олдингизга келаверар экан. Шунинг учун дунёга келдингми, фақат яхшилик қил, инсонларга ёрдам бер, раҳмдил бўл.

Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов айтганидек:

*Собиту сайёрада инсон ўзинг, инсон ўзинг,
Мулки олам ичра гоҳ ҳоқон ўзинг, султон ўзинг.
Бу ёруғ дунё надур? Кошонадур, вайронадур,
Сенга меҳмонхонадур, меҳмон ўзинг, мезбон ўзинг.*

Инсонни ҳазрати инсон дейдилар. Инсонлардан пайғамбарлар, буюк олимлар, саркардалар, подшоҳлар, оқилу фозиллар етишиб чиққан.

Бу дунё кимлардан қолмаган, ҳеч ким бу дунёга устун бўлолмайди. Бобомиз Баҳовуддин Нақшбанд бундай деган эканлар: «Шамга ўхшагин, токи ҳаммага ёруғлик бағишла, ўзинг эса коронғида бўл». Шу сўзни бир ўзингизча тасаввур қилиб кўринг-а... Биз шундай ният билан яшайпмизми? Бизда шундай маънавият шаклланганми? Агар бировларнинг мансаби кўтарилса, дарров ғийбат қилиб бошлаймиз. Унинг оёғидан тортишни ўйлаймиз. Агар бирон киши кечаю-кундуз тинмай меҳнат қилиб, мол боқиб ё томорқасида бола-чақаси билан ишлаб, мўл ҳосил олиб, катта даромад қилса, уни ҳам ғийбат қила бошлаймиз. Айниқса, бугунги кунда ишбилармонларга, оддий деҳқонларга тер тўкиб ишлаб, тадбир билан бойишга давлатимиз кенг йўл очиб қўйди.



Абдусамад Искандаров (олдинги қатор, чандан тўртинчи) ҳамкасб дўстлари, шогирдлари даврасида.

Мамлакатимизда тинчлик-хотиржамлик барқарор бўлиб турибди, шунинг ўзи ҳам биз учун катта бахт эмасми?

Улуғ бобомиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур кўп мамлакатларни бирлаштириб, улуғ салтанат барпо этди. У ўзбек миллатини жаҳонга танитди, урф-одатларимизни, маданиятимизни, бутун дунёга тарғиб қилди, ибратли ном қолдирди.

*Бори элга яхшилик қилғилки, бундан яхши йўқ,
Ким дегайлар даҳр аро қолди фалондин яхшилиғ.*

Бу сатрларда қанчадан-қанча маъно борлигини ҳеч ўйлаб кўрганмисиз? Бобомиз Бобур кўнглида фақат яхшилик ва яна яхшилик ҳукм сурганининг исботидир бу.

Раҳматли отам Абдухалил Искандар ўғли 1948 йили Самарқанд Давлат университетини битириб келиб, мактабда ўқитувчи, кейин директор вазифасида ишлайди. Афсус, унинг умри қисқа экан, 30 ёшида вафот этади.

Муҳтарама онамиз Хонимой Холмирза қизи 30 ёшида отамиздан айрилиб қолган. Бизни тарбиялаб вояга етказишдек оғир ва машаққатли вазифа онамиз Хонимой Холмирза қизи зиммасига қолади. Бизни тарбиялаб улғайтиришда бобом Искандар Усан ўғли, амаки акам Эргаш Искандар ўғли онамизга кўмак берганлар. Шу кишиларнинг ёрдами туфайли мен ва укам Абдуғаффор врачлик касбини эгалладик.

Ота-боболаримизнинг ҳаёт йўли қанчалик машаққатли, мураккаб бўлганини таъкидлаш жоиз. Айниқса, инқилобдан сўнгги ва уруш даврларидаги қийин шароитларда яшаб, яна илм олишга

интилишлари, доимо эзгу ишларни бажаришлари осон кечмаган, албатта. Шунинг учун ҳам уларни катта давраларда илиқ сўзлар билан эсга олишади.

Отам 1955 йил 30 январ куни Жарқўрғонда Латиф деган дўстининг суратхонасида расмга тушади ва 100 дона расм ишлашини илтимос қилади. Ўша куни вафот этади. Отам ҳарбий хизматни Киев шаҳрида тиббиёт ходими ва сиёсий хизматчи сифатида ўтаган. Биз уч фарзанд отадан эрта жудо бўлиб, унинг меҳрига тўймай қолдик.

Отамнинг рус тилида ёзган сиёсий ўқув дафтарларини ва бошқа ҳужжатларини ва у киши ўқиган китобларни ҳозир ҳам китоб жавонимда кўз қорачиғимдек сақлаб келмоқдаман.

Ана шундай қаттиқ, аччиқ синовлар бошимдан ўтди. Мусибатли кунларимда ҳақиқий дўст-кадрдонларим менга далда бердилар, дардимга шерик бўлдилар. Эсимда, ўша оғир кунларимда вилоят имом хатиби Тошболта ҳожи Чориев уйимизга таъзия билдиргани келиб, дуойи фотиҳадан сўнг, сўраб қолди: “Укангизнинг неча фарзанди бор?” Мен ундан уч фарзанд қолди, деб жавоб бердим. У киши: “Кеча икки йигитнинг жанозасини ўқидим, улар автомобил ҳалокатида ҳалок бўлишган, иккаласи ҳам айни кучга тўлган, забардаст йигитлар экан, улардан бирининг яқинда уйланиш тўйи бўлиши керак экан... Иккинчиси эса 20 ёшга тўлган навқирон йигит... минг афсуслар бўлсин, улардан зурриёт қолмади. Сиз тушкунликка тушманг, энди тақдир экан, тан бермай

иложимиз йўқ”, деб менга далда берди. У кишининг насиҳатлари тушкун, маъюс, кўнглимга таскин бўлди.



Абдусамад Искандаров (ўрта қатор, ўнгдан учинчи) сурхондарёлик ҳожилар даврасида.

Зиёли инсон деган юксак масъулиятни оқлаш, шарафлаш, қадрлаш зарур. Халқ орасида, маҳаллада, диний-маърифий, маънавий ишларда қатнашиш, давлатимизнинг олиб борилаётган маърифий, тарбиявий ишларига кўмаклашиш, айниқса, ёшларни тўғри йўлга бошқариш ишига ҳисса қўшиш лозим. Ғазал мулкининг султони ҳазрат Алишер Навоий бобомиз айтганидек:

*Одами эрсанг демагил одами,
Ониким йўқ халқ ғамидин ғами...*

Шундай ибратли, савоб ишларни қилаётган юртдошларимиз – жарқўрғонлик Қосимов Бобохон Абдулазиз ўғли, Рўзиев Худойберди Тожи ўғли, Саматова Жанғил, Тўраев Тохир, Худойбердиев Иброҳим, Рўзиев Турсунбой Камолхон ўғли, Бўронов Хайитмурод Шоймардон ўғли, Хуррамов Жўра Намоз ўғли, Чори ҳожи Чўтпўлатов, Жўра ҳожи Норалиев, Мардонова Норхол Амир қизи, Набиев Абдурашид Раҳим ўғли, Раҳмонқулова Гулчеҳра, Намозов Эшбўри Йўлдош ўғли, Бўронова Менглихол Қаҳҳор қизи, Шоймуродов Абдулло Қўшоқ ўғли, Ойназаров Муҳаммади Тошпўлат ўғли, Муҳаммади Тошпўлат ўғли, Турсунов Шотўра каби замондошларим билан фахрланаман.

Улуғ сафар сабоқлари

Тажрибали шифокор Абдусамад Искандаров қаламига мансуб “Кўнглим шукронаси” деб номланган китоби қўлёзмаси билан танишиб чиқдим. Энг аввало, китобнинг номланиши менга маъқул тушди. Чунки шукрни билмаган неъматларнинг қадрига етмайди. Ҳар биримиз ҳам ҳаёт аталмиш бу улуғ сафар йўлларида имон, шукр каби эзгуликлар карвонидан айрилмасак, энг ёруғ манзилларга етиб борамиз.

Мустақил диёримизда яратиб берилган катта имкониятлар шарофати ўлароқ мамлакатимиздан ҳар йили минглаб мусулмонлар муборак ҳаж сафарида бўлиб қайтмоқдалар. Ҳаждан кўзда тутилган мақсад – гуноҳлардан фориғ бўлиш, маънавий комиллик сари интилишдир.

Ҳажга борган одам ҳар жиҳатдан ўзини муносиб тутиши, бошқаларга ибрат бўлиши, маънавиятимиз юксалишига қўлидан келганча ҳисса қўшиши лозим.

Шуниси эътиборга лойиқки, Абдусамад Искандаровнинг “Кўнглим шукронаси” китобида ҳаж таассуротлари, бу улуғ сафарда бўлганларнинг маънавий олами, уларнинг она юртимиз, халқимиз ҳаққига қилган хайрли дуолари ҳақида ҳам баён этилади.

Маҳмуд АБУЛФАЙЗ,

Ўзбекистон журналистлари уюшмаси аъзоси

Қайдлар учун

Қайдлар учун

МУНДАРИЖА

<i>“Кўнглим шукронаси” китоби ҳақида</i>	3
<i>Улуғ сафар. Мадинаи мунаввара</i>	4
<i>Маккаи мукаррама сари</i>	11
<i>Маккаи мукаррама</i>	14
<i>Мино тоғида</i>	21
<i>Арафотдаги ибодатлар</i>	23
<i>Арафотдаги дуолар</i>	26
<i>Муздалифада туриш</i>	26
<i>Жамаротдаги уйлар</i>	28
<i>Ифоза тавофи, Видо тавофи</i>	34
<i>Ҳожиларга тиббиёт хизмати</i>	37
<i>Ҳаждан кейин</i>	40
<i>Яхшилик учун кураш</i>	42
<i>Улуғ сафар сабоқлари</i>	48

Ижтимоий-оммабон нашр

Абдусамад ИСКАНДАР

КЎНГЛИМ ШУКРОНАСИ

Масъул муҳаррир Шайх Абдулазиз МАНСУР

Муҳаррир Абдул ЖАЛИЛ ХЎЖАМ

Бадиий муҳаррир Элнур НИЁЗ ўғли

Саҳифаловчи Толибжон ҚОДИРОВ

Мусаҳҳиҳа Нодира ОХУНЖОНОВА

Нашриёт лицензия рақами: АІ 146. 2009.14.08.

Босмахонага 2013 йил 30 октябрда берилди. Босишга 2013 йил 1 ноябрда рухсат этилди. Офсет қоғози. Қоғоз бичими 84 x 108 ¹/₃₂.

Харф гарнитураси PT Serif. Офсет босма усули.

Ҳисоб-нашриёт т.: 1,13. Шартли б. т.: 3,25. Адади: 500 нусха.

411-сон буюртма. Баҳоси келишилган нарҳда.

“Movaqounnahr” нашриётида тайёрланди.

Нашриёт манзили: 100002, Тошкент шаҳар

Зарқайнар 18-берккўча 47а-уй.

Электрон почта: m-nashr@yandex.ru.

Тел: (8-371) 227-34-30

Гафур Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи
босмахонасида чоп этилди.

100128, Тошкент шаҳар Шайхонтохур кўчаси 86-уй.

www.gglit.uz, e-mail: iptdgulom@sarkor.uz, info@gglit.uz